

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ ВА
ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ОЛИЙ МАКТАБИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 30.08.2019.Ss.89.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ ВА
ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ОЛИЙ МАКТАБИ**

АБДУРАМАНОВ ХАМИД ХУДАЙБЕРГЕНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАРТИБГА
СОЛИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**23.00.05 - “Миллий хавфсизликнинг тизимли таҳлили ва истиқболлини белгилаш
муаммолари”**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Абдураманов Хамид Худайбергенович

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашда
демографик жараёнларни тартибга солишнинг илмий-услубий
асосларини такомиллаштириш..... 3

Абдураманов Хамид Худайбергенович

Совершенствование научно-методологических основ регулирования
демографических процессов в обеспечении экономической
безопасности Республике Узбекистан..... 37

Abduramanov Xamid Xudaybergenovich

Improving the scientific and methodological basis of demographic processes
regulation in ensuring economic security in the Republic of Uzbekistan..... 71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 77

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ ВА
ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ОЛИЙ МАКТАБИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 30.08.2019.Ss.89.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ ВА
ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ОЛИЙ МАКТАБИ**

АБДУРАМАНОВ ХАМИД ХУДАЙБЕРГЕНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАРТИБГА
СОЛИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**23.00.05 - “Миллий хавфсизликнинг тизимли таҳлили ва истиқболини белгилаш
муаммолари”**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Iqt266 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактабида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зоҳидов Азаматжон Аъзамович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Байхонов Баҳодиржон Турсунбаевич
иқтисодиёт фанлари доктори

Тожиева Зулхумор Назаровна
география фанлари доктори, профессор

Каримова Дилдора Мирсабитовна
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.И. Бобоқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, юридик фанлари доктори, профессор

И.Н. Исламов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тарих фанлари доктори, доцент

Қ.А. Джураев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, сиёсий фанлар доктори, доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш асосида миллий иқтисодиётни рағбатлантириш, ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, ресурслардан самарали фойдаланиш, инфратузилмани такомиллаштириш ва янгилаш, аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш, барқарор ижтимоий муҳитни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки, дунё аҳолиси сони ва мобиллигининг ўсиши, кексалар улушининг ортиши каби мислсиз демографик ўзгаришлар иқтисодий хавфсизликка таҳдид солмасдан қолмайди. Хусусан, Бирлашган миллатлар ташкилоти маълумотларига кўра, 2019 йилда дунё аҳолисининг 7,7 млрд. кишини ташкил этиши, 2050 йилгача узлуксиз ўсиб, 9,7 млрд. кишига, юз йиллик охирида тахминан 11,0 млрд. кишига етиши кутилмоқда¹. Шу боис, давлатлар томонидан демография соҳасидаги иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш борасида мақсадли чора-тадбирлар кенг миқёсда амалга оширилмоқда.

Жаҳонда демографик жараёнлардаги иқтисодий таҳдидлар туфайли юзага келаётган қатор муаммоларнинг илмий ечимини топиш юзасидан мақсадли илмий изланишлар давом этмоқда. Жумладан, инсон капитални ривожлантириш, аҳолининг мақбул ёш-жинс таркибини шакллантириш, оилани режалаштириш, аҳоли ўлимини камайтириш ва умр кўриш давомийлигини узайтириш, оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, нооқилона миграция ҳажмини қисқартириш ва меҳнат бозорининг эгилувчанлигини таъминлашга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, жаҳонда коронавирус пандемияси туфайли демографик вазият янада кескинлашмоқда. Жумладан, дунё бўйлаб COVID-19 ҳолатларининг 40 ёшгача бўлганларга нисбатан демографик схемасида хавотирли ўзгаришлар мавжуд. 2020 йил февраль ва июль ойларида ўтказилган 6 миллион ҳолатни таҳлил қилиш асосида, 15-24 ёшдаги юқтирганлар сони 4-5 фоиздан 15 фоизгача ўсган, бунинг натижасида ишга қайтиш даражаси пасайиб кетган². Бундан ташқари, иқтисодий ўсиш Жанубий Осиёда – 2,7%га, Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада – 4,2%га, Европа ва Марказий Осиёда – 4,7%га, Лотин Америкасида – 7,2%га қисқарган. Ушбу таназзуллар ривожланиш мақсадлари йўлидаги бир неча йиллик тараққиётни орқага қайтариши ва ўн миллионлаб одамларни қашшоқликка етаклаши кутилмоқда³.

Мамлакатимизда ички иқтисодий барқарорликка эришиш ва халқаро даражадаги мавқеларни мустаҳкамлаш, миллий ресурсларнинг ҳаракатланиши ва улардан фойдаланиш устидан давлат томонидан назорат қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ресурс базасининг етарли даражаси ва манбаларни диверсификация қилиш, аҳолининг барқарор бандлигини таъминлаш ва

¹ Население мира растёт, стареет и переезжает в города // <https://www.un.org>.

² [https://www.thelancet.com/journals/lanres/article/PIIS2213-2600\(20\)30461-6/fulltext](https://www.thelancet.com/journals/lanres/article/PIIS2213-2600(20)30461-6/fulltext)

³ <https://www.worldbank.org/en/news/feature/2020/06/08/the-global-economic-outlook-during-the-covid-19-pandemic-a-changed-world>

ижтимоий таъминотдан фойдаланиш имкониятини ошириш, инсон капитални юқори даражада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида «макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, хавфсизликни таъминлаш»⁴ бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди. Бу борада демографик жараёнларни тизимли таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш, демография соҳасидаги хавф зоналарининг чегаравий қийматларини аниқлаш, демография соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг самарали тизимини ташкил этиш, демографик ривожланишни яхшилашнинг стратегик концепциясини ишлаб чиқиш юзасидан илмий тадқиқотларни кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5655-сон «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сон «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги, Фармонлари, 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702-сон «Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик маънавий-ахлоқий ва

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони // <https://lex.uz/pdfs/5260791>

маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁵. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари, жумладан, International Labour Organization (АҚШ), Иқтисодий хавфсизлик лойиҳаси (Economic Security Project) (АҚШ), The Aspen Institute (АҚШ), European Union Institute for Security studies (Бельгия), The International Institute for Strategic Studies (Буюк Британия), Austrian institute for European and security policy (Австрия), Nakasone Peace Institute (Япония), демографик вазиятини баҳолашга йўналтирилган илмий изланишлар Institut national d'études démographiques (Франция), Max Planck Institute for Demographic Research (Германия), The Viennese institute of a demography (Австрия), University of Nebraska-Lincoln (АҚШ), Federal Institute for Population Research (Германия), Australian National University (Австралия), Москва давлат университетида (Россия), шунингдек Ўзбекистон миллий университети, Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактабида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ва демографик жараёнларни тартибга солишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича бир қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизимида бошқарув методологияси ишлаб чиқилган (Economic Security Project), иқтисодий хавфсизликни баҳолаш усуллари ва индикаторлари таклиф этилган (Austrian institute for European and security policy), иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш механизми такомиллаштирилган (The International Institute for Strategic Studies), оилани режалаштириш дастурлари ишлаб чиқилган (Max Planck Institute for Demographic Research); туғилиш даражасининг камайиши ва аҳолининг кексайиши билан боғлиқ демографик муаммоларнинг иқтисодий таъсири кўп омилли таҳлил қилинган (Internatsional institute for Population sciences); демографик вазиятни яхшилаш бўйича ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилган (Москва давлат университети); демографик жараёнлар билан иқтисодий ривожланиш ўртасидаги алоқадорлик асосланган (The Viennese institute of a Demography).

Жаҳонда иқтисодий хавфсизлик кесимида демографик жараёнларни тартибга солишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизмини такомиллаштириш; миллий демографик манфаатларни ҳимоя қилиш ва демографик хавфсизликни таъминлаш; демография соҳасидаги миллий манфаатларни институционал

⁵ Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.economicsecurityproject.org>; <https://www.aspeninstitute.org>; <http://www.spieb.com>; <https://uiec.ru>; <https://www.iss.europa.eu>; <https://www.iiss.org>; <https://www.aies.at>; <http://www.iips.org>; <https://www.incd.fr>; <https://www.unl.edu>; www.bib/dcmografie.de/EN/Home/home_node.html; https://en.wikipedia.org/wiki/Australian_National_University; http://ch.net/encyclopedia/article_haines.demography; www.msu.ru сайтлари асосида тузилган.

ҳимоя қилиш; иқтисодий хавфсизлик усуллари ва индикаторларини ишлаб чиқиш; иқтисодий хавфсизликка демографик таҳдидларни баҳолаш усуллари тақомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шахс хавфсизлиги ва унинг ижтимоийлашуви масалалари қадимги файласуфлар Аристотель, Демокрит, Эврипид, Платон ва Эпикур ишланмаларида ёритилган. Тадқиқотнинг бу йўналиши бўйича таниқли хорижий олимлардан Т.Р.Мальтус,, Дж.Кейнс, А.Маршалл, А.Маслоу, Д.Рикардо, П.Самуэльсон, А.Смит, М.Фридман, С. Чейз ва бошқалар шуғулланган⁶.

МДХнинг қатор олимлари, жумладан В.К. Сенчагов, Е.А.Олейников, Л.И.Абалкин, В.И.Авдийский, В.А.Богомолов, В.В.Криворотов, Т.Р.Орехова, Л.Н. Родионова, В.М.Яковлев⁷лар иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муаммолари бўйича мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борган.

Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликнинг умумий назарий асослари ва унинг алоҳида соҳалари Х.П.Абулқосимов, Т.С.Расулов, А.Т.Исаходжаев, А.Ф.Расулев, Д.В.Тростянский, И.И.Бобокулов, А.А.Зоҳидов, А.Э.Ишмухаммедов, Д.А.Ортиқова, Ш.Р.Қобилов, О.Сатторқулов, Н.Т.Толипова⁸ ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

⁶ Мальтус Т.Р. Опыт о законе народонаселения (Антология экономической классики) пер. с англ. – Москва, 1992; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Пер. сангл. проф. Н.Н.Любимова, под. ред. д.э.н., проф. Л.П.Куракова. – М.: МИЭМП, 2010; Маршалл А. Принципы экономической науки / А.Маршалл: В 3 т. – М.: Прогресс - Т.3. 1984. - 119 с.; Regional labor markets. Analytical contributions and cross-national comparisons. Ed. by. M.Fischer and P.Nijkamp. - Elsevier Science Publishing Co, 1987. - 500 p.; Эренберг Р.Д., Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная политика / Пер. с англ. – Москва, 1996. – 34-б.; Слезингер Г.Э. Труд в условиях рыночной экономики: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 1996. - 336 с.; Пигу А. Экономическая теория благосостояния / Пигу А.: В 2 т. – М.: Прогресс - Т.2 - 1985. – 240 с.

⁷ Сенчагов В.К. Экономическая безопасность России. Общий курс. Учебник. – М.: Дело, 2005. – 896 с.; Олейников Е.А. Экономическая и национальная безопасность. Учебник. – М.: Экзамен, 2005. – 768 с.; Абалкин Л.И. Вызовы нового века. – М.: ИЭ РАН, 2001; Авдийский, В.И. Теневая экономика и экономическая безопасность государства: Учебное пособие. - М.: Альфа-М, ИНФРА-М, 2018. – 496 с.; Богомолов, В.А. Экономическая безопасность / В.А. Богомолов. - М.: Юнити-Дана, 2009. - 295 с.; Криворотов, В.В. Экономическая безопасность государства и регионов: Учебное пособие - М.: Юнити, 2018. - 56 с.; Орехова, Т.Р. Экономическая безопасность современной России в условиях кризиса: Монография / Т.Р. Орехова, В.И. Орехов, О.В. Карагодина. - М.: Инфра-М, 2017. - 319 с.; Родионова, Л.Н. Экономическая безопасность: концепция. - М.: Русайнс, 2019. - 32 с.; Яковлев, В.М. Риски и экономическая безопасность муниципальных образований - М.: Русайнс, 2017. - 736 с.

⁸ Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодий хавфсизлик: назария ва амалиёт. Ўқув қўлланма. - Т.: Ноширлик ёғдуси, 2019.- 620 б.; Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С. Мамлакат иқтисодий хавфсизлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари. Монография. - Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2019. - 395 б.; Исаходжаев А.Т., Расулев А.Ф. Хуфёна иқтисодиёт ва иқтисодий хавфсизлик. – Т., Академия. 2003 - 218 б.; Расулев А.Ф., Тростянский. Современные аспекты обеспечения экономической безопасности Узбекистана // <http://cyberleninka.ru>; Бобокулов И.И. Региональная безопасность Центральной Азии: вопросы теории и практики. Монография. – Ташкент, 2018. – 121 с.; Зоҳидов А.А. Совершенствование механизма эффективного управления транспортной системой Центральной Азии. Автореферат докторской диссертации (DSc) по экономике. – Ташкент, 2018.; Ишмухаммедов А.Э., Джуманиязов Ш.Р. Иқтисодий хавфсизлик. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2008 - 197 б.; Ортиқова Д.А. Иқтисодий хавфсизлик (ўқув қўлланма). – Т.: Иқтисодиёт, 2011. - 144 б.; Қобилов Ш.Р. Миллий хавфсизликнинг иқтисодий муаммолари. - Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2006.; Сатторқулов О., Абдувоҳидов А., Абдувалиев А., Бурханов А. Иқтисодий хавфсизлик: ўқув қўлланма. – Т.: Noshirlik yog'dusi, 2019; Толипова Н.Т. Вопросы обеспечения экономической безопасности устойчивого развития Республики Узбекистан // Проблемы рыночной экономики. – Москва, 2018. - №3. – С.43-48.

Ўзбекистонда демографик ривожланиш масалалари М.Қ.Қорахонов, И.Р.Муллажонов, Р.А.Убайдуллаева, О.Б.Ата-Мирзаев, Қ.Х.Абдурахмонов, Н.Қ.Зокирова, Б.Х.Умурзақов, А.А.Қаюмов, А.С.Солиев, Л.П.Максакова, М.Р.Бўриева, З.Н.Тожиева, Т.М.Ахмедов, Д.М.Каримова, Г.Қ.Абдурахмонова, Ф.К.Комилова, Д.В.Расулова, Н.У.Арабов, Д.А.Насимов, Х.Мамадалиева⁹ ишларида келтирилган.

Ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ва демографик жараёнларнинг ривожланиш хусусиятлари алоҳида илмий тадқиқ этилган. Бугунги воқелик нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикасида демографик индикаторлар асосида иқтисодий хавфсизлик даражасини комплекс баҳолаш, иқтисодий хавфсизлик кесимида демографик жараёнларни тартибга солишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ тадқиқотлар етарли даражада эмаслиги мазкур мавзуда чуқур илмий-услубий изланишларни амалга оширишни тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактабининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда демографик жараёнларни тартибга солишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

⁹ Караханов М.К. Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения. - Т.: 1983; Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. - Ташкент: Узбекистан, 1983. - 169 с; Убайдуллаева Р., Ата-Мирзаев О., Умарова Н. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. - Т.: Университет, 2006. - 58 б; Абдурахмонов Қ.Х., Зокирова Н.Қ. ва бошқалар. Демография. Дарслик. - Т.: "IQTISODIYOT", 2014. - 364 б; Abdurahmonov Q.X., Abduramanov X.X. Demografiya. O'quv qo'llanma. - Т.: Noshir, 2011. - 296 б; Абдурахмонов Қ. Х. Мехнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт. Дарслик. - Т.: FAN, 2019. - 592 б.; Абдурахманов К.Х., Умурзақов Б.Х. Современные вызовы и перспективы развития демографических процессов в Узбекистане // Наука и практика, РЭУ им. Г.В.Плеханова. Т.10. №4 (32). - Москва, 2018. - С.9-16.; Қаюмов А.А. ва бошқалар. Аҳоли географияси ва демография асослари. - Т.: "Fan va texnologiya", 2011.- 160 б; Солиев А., Бўриева М.Р. Қишлоқ жойлари демографияси. - Тошкент, 2005; Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан. - Т.: Издательский дом "Эльдинур", 2000. - 116 с.; Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. - Т.: Университет, 1997. - 117 б; Бўриева М.Р. Демография асослари. Қўлланма. - Т.: Университет, 2001. - 48 б; Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойлашиши (1989-2009 йй.). Монография. - Т.: Fan va texnologiya, 2010; Тожиева З.Н. Ўзбекистон Республикасида демографик жараёнлар ва уларнинг худудий хусусиятлари. География фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. - Тошкент, 2017. - 59 б.; Ахмедов Т.М., Абдуллаев Б.С. Социально-демографические особенности устойчивого развития сельских территорий Узбекистана. Монография. - Т.: «NISO POLIGRAF», 2018. - 152 с.; Каримова Д.М. Худудларни комплекс баҳолашнинг ижтимоий-демографик жиҳатлари. Илмий-услубий қўлланма. - Т.: Yurist-media markazi, 2020. - 108 б.; Абдурахмонова Г.Қ. Аҳоли иш билан бандлигига демографик омилларининг аҳамияти. // Население Узбекистана: современное состояние и новые горизонты развития. Материалы конференции: "Новые горизонты Узбекистана в дальнейшем улучшении здоровья мужчин и женщин и укреплении семьи в контексте обновленной Программы Действий МКНР после 2014 года". - Ташкент, 2014. - 66-69-б.; Камилова Ф. Демографический потенциал Узбекистана. - Ташкент: Узбекистан, 1991. - 143 с; Расулова Д.В. Ишчи кучи миграцияси ривожланишининг назарий асослари. Монография. - Т.: "Молия", 2010. - 271 б.; Арабов Н.У., Насимов Д.А. Ўзбекистон Республикасида демографик вазият шаклланишининг хусусиятлари // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" электрон журнали. 2-сон. - Тошкент, 2018. - 13 б; Мамадалиева Х.Х. Ўзбекистонда оила ривожланишининг ижтимоий-демографик жиҳатлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. - Тошкент, 2019. - 69 б.

Тадқиқотнинг вазифалари:

демографик ва иқтисодий жараёнларнинг ўзаро алоқадорлигини ўрганиш юзасидан илмий-назарий ёндашувларни ўрганиш ҳамда демография соҳасида иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни уларни баҳолашнинг асосий индикаторларини аниқлаш ёрдамида таснифлаш;

демографик жараёнларни тизимли таҳлил қилиш ва прогнозлаштиришга доир услубий ёндашувларни ўрганиш;

демографик вазиятни мониторинг қилиш алгоритмини ишлаб чиқиш;

демографик сиёсатни амалга ошириш самарадорлигини баҳолашни илмий-услубий жиҳатдан асослаш;

демография соҳасидаги хавф зоналарининг чегараларини аниқлаш имконини берувчи иқтисодий хавфсизликни баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг демографик ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш ва иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни аниқлаш;

демографик жараёнларни тартибга солиш самарадорлигини баҳолаш индикаторларини таҳлил қилиш;

демографик ривожланишнинг истиқбол кўрсаткичлари асосида иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг прогноз параметрларини ишлаб чиқиш;

демография соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг самарали тизимини ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

демография соҳасидаги иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни бартараф этишнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикасининг демографик ривожланишини яхшилашнинг 2030 йилга мўлжалланган стратегик концепциясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тизими олинди.

Тадқиқотнинг предмети иқтисодий хавфсизлик кесимида демографик жараёнларни тартибга солишнинг илмий ва услубий асослари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида тизимли таҳлил, мутлақ, нисбий ва ўртача миқдорлар, гуруҳлаш, комплекс баҳолаш, мантиқий ва таққослама таҳлил, индекс, демографик прогнозлаш усуллардан ҳамда тизимли ва индикатив ёндашувлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳолаш услубиёти аҳолининг такрор ҳосил бўлиши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда «демографик салоҳият» индексини жорий этиш асосида такомиллаштирилган;

демографик индикаторларнинг чегаравий қийматларини аниқлаш асосида меъёрдан оғишнинг интеграл кўрсаткичи қийматини юқори ва ўртача таҳдидлар ҳамда барқарорлик зоналарига ажратиш таклиф этилган;

демографик вазиятни мониторинг қилиш алгоритми иқтисодий хавфсизлик даражасини аниқлаш ва прогнозлаштиришнинг ягона тизимини шакллантириш

орқали манзилли стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

Ўзбекистон Республикасининг демография соҳасидаги миллий манфаатларини тизимлаштириш орқали уларга бўлган потенциал ва реал таҳдидларни бартараф этишнинг таъсирчан механизми асосланган;

инсон капитални ривожлантириш, фан сиғими юқори тармоқларда янги иш ўринларини ташкил этиш ва меҳнат бозорида мобилликни ошириш орқали «демографик дивиденд» олиш асосида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш асосланган;

Ўзбекистонда демографик ривожланишнинг истиқбол кўрсаткичлари асосида иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг 2021-2030 йилларга мўлжалланган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

иқтисодий хавфсизлик тушунчасига кенг қамровли ёндашилиб, муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

хорижий мамлакатларнинг демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш борасидаги тажрибалари умумлаштирилган ва уни Ўзбекистонга қўллаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

демографик индикаторлар асосида иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳолаш услуби таклиф қилинган;

демографик ривожланишни баҳолаш ва прогнозлаштиришга доир услубий ёндашувлар тизимлаштирилган, демографик ривожланишни прогноз қилиш вазифасини ҳал этиш учун методикалар турли гуруҳларидан фойдаланиш имконияти ва асосий камчиликлар аниқланган;

демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш самарадорлигини баҳолаш услуби таклиф этилган;

Ўзбекистон Республикасининг демографик ривожланишини яхшилаш концепцияси ишлаб чиқилган;

демография соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳамда демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солишнинг устувор йўналишлари бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган методологик ва услубий таклиф ва тавсиялар демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш, демография соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг самарали тизимини ташкил этиш, иқтисодий хавфсизликка

демографик таҳдидларни бартараф этишга оид илмий аппаратни такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иқтисодий хавфсизлик доктринасини, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва прогнозларини ишлаб чиқиш, соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чоратadbирлар мажмуини ишлаб чиқишда, шунингдек «Иқтисодий хавфсизлик», «Демография», «Тизимли таҳлил асослари» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда демографик жараёнларни тартибга солишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳолашнинг демографик салоҳият индекси “Асосий демографик кўрсаткичларни шакллантириш бўйича услубий низом”нинг 4-бандини ишлаб чиқишда (Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 7 октябрдаги 01/4-04-18/2-229-сон маълумотномаси) ҳамда вазирликнинг “Меҳнат бозори, демография ва миграция жараёнларини таҳлил қилиш ва прогнозлаш” ва “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни мувофиқлаштириш” бошқармалари амалиётида фойдаланилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 13-01/16-1078-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф демографик кўрсаткичларни шакллантиришнинг мавжуд методикасини такомиллаштириш, иқтисодий хавфсизлик тизимидаги индикаторларнинг чегаравий қийматлари асосида демографик вазиятга баҳо бериш ҳамда худудлар иқтисодий хавфсизлигини “юқори”, “нормал”, “паст”, “инқироз” ва “критик” даражаларга ажратиш имконини берди;

демографик индикаторларнинг чегаравий қийматдан оғишининг интеграл кўрсаткичи қийматини юқори ва ўртача таҳдидлар ҳамда барқарорлик зоналарига ажратиш таклифи Республика бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий марказининг “Меҳнат бозори, бандлик ва меҳнат миграцияси масалалари” бўлими ва “Меҳнат ресурслари ва демографик кўрсаткичлар истиқболларини белгилаш” лабораторияси амалиётида фойдаланиш (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 29 сентябрдаги 01/00-04/07-8274-сон маълумотномаси) ҳамда Давлат статистика ишлари дастури доирасида қўмита томонидан шакллантириладиган “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати” тўғрисидаги чораклик ва йиллик нашрларини қўшимча статистик маълумотлар билан таъминлаш (Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 7 октябрдаги 01/4-04-18/2-229-сон маълумотномаси) учун қабул қилинган. Таклиф этилган услуб иқтисодий хавфсизлик тизимидаги демографик индикаторларни чуқур статистик таҳлил қилиш имкониятларини кенгайтирди;

иқтисодий хавфсизлик даражасини аниқлаш, тизимли таҳлил қилиш, прогнозлаштиришнинг ягона тизимини шакллантириш ҳамда шу асосда манзилли стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш имконини берувчи демографик вазиятни мониторинг қилиш алгоритми “Демографик вазиятни мониторинг қилиш ва прогнозлаштириш” номли услубий қўлланмада ўз ифодасини топган ва ўқув жараёнига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактабининг 2020 йил 17 декабрдаги 28/7121ОТ-сон маълумотномаси). Таклиф этилган алгоритм демографик жараёнлардаги иқтисодий таҳдидларни тизимли таҳлил қилиш ва истиқболни белгилаш имконини берди;

Ўзбекистон Республикасининг демография соҳасидаги миллий манфаатлари ҳамда уларга бўлган потенциал ва реал таҳдидлар вазирлик томонидан “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича узоқ муддатли миллий стратегия”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 29 сентябрдаги 01/00-04/07-8274-сон маълумотномаси). Демография соҳасидаги миллий манфаатларга бўлган таҳдидларнинг белгиланганлиги мазкур таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг салбий таъсирини камайтириш билан боғлиқ тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишда асос бўлган;

инсон капиталини ривожлантириш, фан сиғими юқори тармоқларда янги иш ўринларини ташкил этиш ва меҳнат бозорида мобилликни ошириш орқали «демографик дивиденд» олиш таклифи ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 13-01/16-1078-сон маълумотномаси) ва аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 29 сентябрдаги 01/00-04/07-8274-сон маълумотномаси), “Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ишлаб чиқишга оид таклифларда фойдаланилган (“Тараққиёт стратегияси” марказининг 2020 йил 4 ноябрдаги 1273/20-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишнинг илмий асосланганлик даражасини оширган;

Ўзбекистонда демографик ривожланишнинг истиқбол кўрсаткичлари асосида иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг 2021-2030 йилларга мўлжалланган прогноз параметрлари “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича узоқ муддатли миллий стратегия”ни (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 29 сентябрдаги 01/00-04/07-8274-сон маълумотномаси) ва “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш Концепцияси” лойиҳасини (Иқтисодий тараққиёт ва

камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 13-01/16-1078-сон маълумотномаси) ишлаб чиқишда фойдаланилган. Ушбу прогноз кўрсаткичлари меҳнат ресурслари таркибини янада такомиллаштириш, ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда келгусида яратиладиган иш ўринларини кутиладиган демографик босимга мутаносиб ҳолда ташкил этиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижа-лари 21 та, жумладан, 11 та республика ва 10 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 54 та илмий иш, шу жумладан, 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 32 та мақола, жумладан, 23 таси республика ва 9 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг умумий ҳажми 278 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби – **“Иқтисодий хавфсизлик кесимида демографик жараёнларни тартибга солишнинг назарий асослари”** деб номланиб, унда иқтисодий хавфсизлик кесимида демографик ва иқтисодий жараёнларнинг ўзаро алоқадорлигини ўрганиш юзасидан илмий ёндашувлар келтирилган, демографик муаммолар билан боғлиқ иқтисодий хавфсизликка таҳдидлар таснифланган, демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш усуллари, шакллари ва тамойиллари таклиф этилган.

Аҳоли давлатнинг мавжуд бўлиши ва ривожланишининг фундаментал асоси, суверенитет ва миллий маданият манбаи ҳисобланади. Аҳолини асраб-авайлаш, унинг мақбул сони ва сифатини сақлаб туриш мамлакатни прогрессив ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва унинг миллий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Тадқиқотда хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг “иқтисодий хавфсизлик” тушунчасига берилган ёндашувлари умумлаштирилган ҳамда қуйидагича муаллифлик таърифи берилган: “иқтисодий хавфсизлик – бу миллий хавфсизлик тизими ишлашининг моддий асосни таъминлайдиган,

инсон, давлат ва жамиятнинг иқтисодий соҳадаги ҳаётий эҳтиёжлари ва манфаатларининг ички ва ташқи таҳдидлар ҳамда хавф-хатарлардан ҳимояланганлик ҳолатидир”.

Демографик жараёнлардаги иқтисодий хавфсизликка таҳдидлар 6 та гуруҳга ажратилган:

1. Аҳоли сонининг ўзгаришлар билан боғлиқ таҳдидлар: депопуляция; аҳоли сонининг юқори суръатда ўсиши; аҳоли сонининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг стратегик мақсадларига мос келмаслиги.

2. Аҳолининг жойлашиши билан боғлиқ таҳдидлар: аҳоли зичлигининг пастлиги; аҳоли зичлигининг юқорилиги; аҳолининг ҳудудий жойлашишидаги номувофиқлик; аҳоли жойлашишининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг стратегик мақсадларига мос келмаслиги.

3. Аҳоли таркиби билан боғлиқ таҳдидлар: аҳолининг кексайиши; аҳолининг ҳаддан ташқари ёшлиги; аҳолининг жинс таркибидаги номувофиқлик; аҳолининг никоҳ-оила таркибидаги номувофиқлик; аҳоли этник улушининг ўзгариши.

4. Аҳолининг табиий ҳаракати билан боғлиқ таҳдидлар: туғилиш даражасининг жуда юқорилиги ёки пастлиги; аҳоли ўлимининг юқорилиги; чақалоқлар ва оналар ўлимининг юқори даражаси; меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ўлимининг юқори даражаси; аҳолининг табиий камайиши; аҳолининг юқори табиий ўсиши; никоҳда бўлишнинг паст даражаси; ажралишларнинг юқори даражаси.

5. Аҳолининг миграцион ҳаракати билан боғлиқ таҳдидлар: аҳоли кўчиб келишининг юқори ёки паст интенсивлиги; аҳоли кўчиб кетишининг юқори ёки паст интенсивлиги; аҳоли миграциясининг мусбат ёки манфий сальдоси; аҳолининг ноқонуний миграцияси.

6. Аҳолининг такрор барпо бўлиши билан боғлиқ таҳдидлар: аҳолининг қисқарган ёки жуда кенгайган такрор барпо бўлиши; ўлим оқибатида аҳоли такрор барпо бўлишидаги катта йўқотишлар; аҳоли ўртача умр кўришининг пастлиги ёки юқорилиги.

Тадқиқотда диссертант томонидан демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш деганда қонунчилик, иқтисодий ва ташкилий-хўжалик механизмларини уйғунлаштириш орқали демографик жараёнларга (аҳолининг такрор барпо бўлиши, миграцияси ва сифатига) давлат томонидан таъсир этиш усуллари ва чора-тадбирлари тизимини тушуниш таклиф этилган.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш даражасига боғлиқ ҳолда механизм таркиби ёки мазмунига кўра унга киритилган элементлар бўйича қатъий фарқланади. Ўз ичига илмий-методологик, меъёрий-ҳуқуқий, ахборот таъминоти ва мониторинг тизимини оловчи демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш механизмининг асосий элементлари аниқланган (1-расм).



1-расм. Демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш механизмининг таркиби¹⁰

¹⁰ Расм муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш механизми белгиланган мақсадга эришиш ва вазифаларни ҳал этиш учун меъёрий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлашни тақозо этади. Шунинг учун барча бошқарув даражаларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиялар, концепция ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда доимий равишда тузатишлар киритиш зарур. Механизмни амалга оширишдаги кейинги босқич ҳудудлар демографик ривожланишининг мониторинги тизимини яратиш орқали демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили ҳисобланади, унда ҳудудлар кесимида демографик маълумотларни ҳисобга олиш, йиғиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш бўйича фаолиятни амалга оширади. Мазкур механизм унга киритилган бошқарув жараёнларининг бажарилишини тавсифловчи услубий жиҳатларни ўз ичига олиши керак.


Аҳоли моддий ва маънавий эҳтиёжларининг таҳдидлардан ҳимояланганлик даражасини, бизнинг фикримизча, индикаторлар тизими ёрдамида баҳолаш мумкинлиги туфайли иқтисодий хавфсизликни баҳолаш учун индикатив таҳлил қилиш усулидан фойдаланиш таклиф этилган.

Тадқиқотда индикаторларни блокларга гуруҳлашда муаммоли ёндашувдан фойдаланилган: барча индикаторлар фаолиятнинг муаммоли соҳаларини акс эттирувчи тўртта индикатив блокка (демографик салоҳият, меҳнат бозори, аҳоли даромадлари, ижтимоий инфратузилма) гуруҳланган. (2-расм).

2-расмдан кўришиб турибдики, ҳудудий институтларнинг демография соҳасидаги иқтисодий хавфсизлик индикаторларига аниқланган таъсирини таҳлил қилиш маҳаллий ҳокимликлар фаолиятини “Ижтимоий инфратузилма” блоги, корхоналар фаолиятини эса “Меҳнат бозори” ва “Аҳоли даромадлари” блоги бўйича баҳолашни таклиф қилиш имконини берган.

Ўз навбатида, ҳаёт ва фаолиятнинг кўриб чиқилган учала соҳаси ҳам ҳудуднинг демографик салоҳияти ривожланишига таъсир кўрсатади, бу ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсади ҳисобланади. Демак, “Демографик салоҳият” блоги бўйича вазиятни баҳолаш натижаларига кўра, маҳаллий ҳокимликлар билан корхоналар ўртасидаги ҳудуднинг демографик муаммолар билан боғлиқ иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарадорлигини баҳолаш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби – **“Иқтисодий хавфсизлик кесимида демографик жараёнларни тартибга солишнинг методологик асослари”** деб номланиб, унда демографик ривожланишни баҳолаш ва прогнозлаштиришга доир услубий ёндашувлар келтирилган, демографик вазиятни мониторинг қилиш алгоритми ва демографик сиёсатни амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш индикаторлари таклиф этилган ҳамда демографик индикаторлар асосида иқтисодий хавфсизликни баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган.



2-расм. Демография соҳасида иқтисодий хавфсизликнинг индикатив блокларини шакллантириш чизмаси¹¹

Демографик вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилиш демографик сиёсат стратегиясини белгилаб берувчи концептуал, дастурий ҳужжатларни тайёрлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. Таҳлил ёрдамида ечимни талаб қилувчи энг кескин демографик муаммолар аниқланади ва шу тариқа демографик сиёсатнинг устувор йўналишлари белгилаб берилади.

Тадқиқотда демографик вазиятни мониторинг қилишнинг самарали назорат қилиш, режалаштириш ва прогнозлаштиришга асосланган, шунингдек, замонавий инновацион иқтисодий-математик усуллар ва IT-технологияларидан фойдаланувчи аниқ алгоритми ишлаб чиқилган. Бу алгоритм етита босқични ўз ичига олади. Биринчи босқич мониторинг вазифасини қўйиш, мониторингнинг зарур техник воситалари ва уларга нисбатан қўйиладиган талабларни аниқлашдан иборат. Мазкур босқичда индикаторлар тизими ва

¹¹ Расм муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

уларнинг хатарлилик даражаси бўйича чегаравий қийматлари танланади. Иккинчи босқич демографик маълумотларни қидиришдан иборат бўлиб, бу босқичда бошланғич ахборот манбаларига нисбатан ишончлилик ва тўғрилиқ талаби қўйилади ҳамда улар расмий бўлиши керак. Учинчи босқичда дастлабки маълумотлар демографик индикаторларга айлантирилади, тўртинчи босқичда ахборотни кейинги таҳлил ва прогноз қилиш учун уни ўзгартириш амалга оширилади. Бешинчи босқичда дастлабки демографик маълумотларни умумлаштириш орқали интеграл индекс ҳисобланади, олтинчи босқичда демографик прогнозлаштириш амалга оширилади, якунловчи еттинчи босқичда олдинги босқичлар натижасида идентификацияланган қонуниятларни таҳлил қилиш масаласи ҳал этилади.

Демографик вазият мониторингини ўтказиш тажрибаси ягона методика ва ахборот манбалари асосида ҳисоблаб чиқиладиган статистик кўрсаткичлар тизимини ўзида мужассам этган ҳудуд демографик паспортини ишлаб чиқиш имконини беради, бу эса тенденцияларни кузатиш ва демографик вазиятни қиёсий ҳудудлараро таҳлил қилиш имконини беради. Шундан келиб чиқиб тадқиқотда “демографик паспорт” лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Демографик паспорт қуйидаги 8 та бўлимдан иборат:

- 1) умумий маълумот (ҳудуд майдони, аҳоли зичлиги ва ҳ.к.);
- 2) аҳоли динамикаси ва унинг компонентлари;
- 3) аҳоли таркиби (аҳолининг жинс-ёш ва иқтисодий таркиби);
- 4) туғилиш;
- 5) ўлим ва умр кўриш давомийлиги;
- 6) никоҳ ва ажралиш;
- 7) аҳоли миграцияси;
- 8) демографик босим.

Иқтисодий хавфсизликни илмий тадқиқ этишнинг асосий услубий воситаларидан бири унинг ҳолатини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотда мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг ишларини тадқиқ қилиш асосида демографик индикаторлар асосида иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳолашнинг қуйидаги босқичлардан иборат усули ишлаб чиқилган:

1. Иқтисодий хавфсизликни баҳолаш учун кўрсаткичлар ва уларнинг хатарлилик даражаси бўйича чегаравий қийматларини танлаш ва илмий жиҳатдан асослаш (1-жадвал). Иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳолаш учун 34 та индикатор танланган ва улар тўртта гуруҳга (демографик салоҳият, меҳнат бозори, аҳоли даромадлари ва ижтимоий инфратузилма) бирлаштирилган. Индикаторларнинг чегаравий қийматларини белгилашда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон банки, халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик, хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар ёндашувларидан фойдаланилган.

2. Иқтисодий хавфсизликни миқдорий баҳолаш бўйича интеграл кўрсаткичнинг алоҳида кўрсаткичларини ҳисоблаш.

**Иқтисодий хавфсизлик индикаторлари тизими ва унинг йўналишлар
бўйича чегаравий қийматлари¹²**

Индикаторлар	Чегаравий қиймат	Индикаторлар	Чегаравий қиймат
1. Демографик салоҳият		18. Иқтисодий фаол аҳоли улуши, %	<50,0
1. Аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати, %	>1,3	19. Аҳоли бандлиги даражаси, %	<46,0
2. Умумий аҳоли сонида меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик шахслар улуши, %	>22,0	20. Ишсизлик даражаси, %	>8,0
3. Умумий аҳоли сонида меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар улуши, %	>58,0	21. Меҳнат бозорининг кескинлик даражаси, бирлик	>6,0
4. Аҳолининг кексайиш коэффициенти, %	>6,0	22. Норасмий мигрантлар улуши, %	>1,0
5. Меҳнатга лаёқатли ҳар 100 нафар аҳолига тўғри келадиган меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик шахслар сони	>40,0	23. Зарарли ва хавфли меҳнат шароитида бандлар улуши, %	>2,0
6. Меҳнатга лаёқатли ҳар 100 нафар аҳолига тўғри келадиган меҳнатга лаёқатли ёшдан катта шахслар сони	>30,0	24. Ишлаб чиқаришда шикастланганлик даражаси, 1000 ишловчига	>0,5
7. Меҳнатга лаёқатли ҳар 100 нафар аҳолига тўғри келадиган меҳнатга лаёқатсиз шахслар сони	>70,0	Аҳоли даромадлари	
8. Туғилишнинг умумий коэффициенти, ‰	>20,0	25. Аҳоли реал даромадларининг ўсиш суръати, %	<105,0
9. Ўлимнинг умумий коэффициенти, ‰	>10,0	26. Умумий харажатлардаги озик-овқат харажатларининг улуши, %	>40,0
10. Чақалоқлар ўлими, ‰	>5,0	27. Камбағаллик коэффициенти, %	>8,0
11. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг ўлим коэффициенти, ‰	>2,0	28. Фонд коэффициенти, марта	>7,0
12. Табиий ўсиш коэффициенти, ‰	>6,5	29. Пенсия ўртача миқдорининг иш ҳақи ўртача миқдорига нисбати, %	<40,0
13. Миграцион ҳаракат коэффициенти, ‰	<0	Ижтимоий инфратузилма	
14. Жами туғилганда кутилаётган ҳаёт давомийлиги, ёш	<81	30. ЯИМга нисбатан соғлиқни сақлашга давлат харажатлари, %	<7,0
15. Эркакларнинг туғилганда кутилаётган ҳаёт давомийлиги, ёш	<77	31. Аҳолининг касалхона коикалари билан таъминланганлик даражаси, ҳар 10 минг киши	<120,0
16. Аёлларнинг туғилганда кутилаётган ҳаёт давомийлиги, ёш	<85	32. Шифокорлар билан таъминланганлик, ҳар 10 минг кишига	<60,0
2. Меҳнат бозори		33. Мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олиш даражаси, %	<70,0
17. Меҳнат ресурслари улуши, %	<60	34. 1 та яшовчига тўғри келадиган аҳолининг уй-жой билан таъминланлиги, кв.м	<25,0

¹² Жадвал муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

3. Иқтисодий хавфсизликни мезоний чегараларининг шкаласи асосида баҳолаш. Иқтисодий хавфсизликни баҳолаш учун экспертларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган иқтисодий хавфсизлик даражаси интеграл кўрсаткичи мезоний чегараларининг қуйидаги шкаласи таклиф этилган. Унга кўра, иқтисодий хавфсизлик интеграл кўрсаткичининг қиймати 1,05 ва ундан юқори бўлса ҳудуд иқтисодий хавфсизлик даражаси – “юқори”, 1,00-1,04 – “нормал”, 0,70-0,99 – “паст (инқироз олди)”, 0,5-0,69 – “инқироз”, 0,49 ва ундан паст бўлса “критик” ҳисобланади.

Тадқиқотда демографик ривожланишнинг истиқбол кўрсаткичлари асосида иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг 2021-2030 йилларга мўлжалланган прогноз параметрлари когорт-компонент усули орқали амалга оширилган. Бу усул нафақат жами аҳолининг келгусидаги сонини, балки унинг ёши, жинси ҳамда ҳудудлар бўйича тақсимланишинини ҳам аниқлаш имконини беради.

Демографик прогноз орқали маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, турар жой қурилиши, ижтимоий инфратузилма, пенсия тизимини ривожлантириш, иқтисодий фаол аҳолининг сони ва таркибини, меҳнат бозорининг ривожланиш истиқболларини, ишчи кучининг тақчиллиги ёки ортиқчалигини аниқлаш, геосиёсий вазифалар ҳал этилади.

Демографик прогнозлар минтакавий кесимда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурлари, лойиҳаларига тузатишлар киритиш имконини беради, келгусида аҳоли турмуши даражасининг ўзгаришини баҳолаш манбаига айланади. Шунинг учун ҳам аҳоли сони ва таркиби, демографик жараёнларнинг динамикаси халқаро, давлат ва нодавлат ташкилотлар, илмий муассасалар умумий фаолиятининг муҳим қисми ҳисобланади.

Тадқиқотда демографик жараёнлар прогнозини ишлаб чиқиш учун ҳисоб-китоблар когорт-компонент усули орқали қуйидаги кетма-кетликда бажарилган:

- а) таянч йилдаги аҳоли сони ва ёш таркиби ёрдамида ўлим жадвалини тузиш;
- б) репродуктив ёшдаги аёлларнинг сони ва ёш таркибини аниқлаш;
- в) прогноз йилларида туғиладиган аҳоли сони ва таркибини аниқлаш;
- г) таянч йилдаги миграция коэффициенти асосида прогноз қилинган йиллардаги миграция сальдосини аниқлаш;
- д) якуний прогноз жадвалини тузиш.

“Ўзбекистон Республикасида иқтисодий хавфсизлик кесимида демографик жараёнларни тартибга солишнинг асосий кўрсаткичларини таҳлили” деб номланган учинчи бобда Ўзбекистон Республикасининг замонавий демографик вазияти ва иқтисодий хавфсизликка таҳдидлар ҳамда иқтисодий хавфсизлик тизимидаги демографик индикаторлар илмий таҳлил қилинган, Ўзбекистон Республикасида демографик жараёнларни тартибга солиш самарадорлиги ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикасининг демографик ривожланишини таҳлил қилиш асосида қуйидаги тенденциялар иқтисодий хавфсизликка таҳдид солиши аниқланган:

1. Туғилиш даражасининг ўсиши ҳисобидан доимий аҳоли сонининг юқори суръатда кўпайиши. БМТ тавсияси бўйича, мамлакатда аҳолининг нормал такрор барпо бўлиши учун ҳар 1000 кишига нисбатан туғилганлар сони 20,0 нафар, аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати 1,3 фоиз чегаравий қиймат ҳисобланади. Ўзбекистонда туғилишнинг умумий коэффиценти 24,6 нафарни ташкил этиб, чегаравий қийматдан 4,6 промиллега ортиқ.

Республикада туғилиш даражасининг юқорилиги қулай демографик имкониятларни очиши билан бирга иқтисодиёт хавфсизликка қуйидаги таҳдидлар кучаяди: фарзандли оилаларни қўллаб-қувватлаш ва соғлиқни сақлаш соҳаларига давлат бюджетидан харажатларни ошириш; меҳнат бозорига ишчи кучининг катта оқими келиши ҳисобидан ишчи кучи таклифининг унга бўлган талаб миқдоридан ошиб кетиши; аёлларнинг туғруқ таътилига чиқишлари муносабати билан иқтисодий нофаол аҳоли сонининг ошиши; мактабгача таълим муассасаларига тушадиган юкнинг ортиши; болалар ва ўсмирлар сонининг кўпайиши ҳисобидан меҳнатга лаёқатли аҳолига боқимандалик юкининг ортиши; никоҳлар ва айниқса, ёш оилалар сонининг сезиларли ортиб бораётгани.

2. Барча ёш гуруҳларида аҳолининг касалланиши ва ўлим, айниқса чақалоқлар, оналар ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ўлим даражасининг юқорилиги. Халқаро мезонлар бўйича муайян бир ҳудудда чақалоқлар ўлими коэффиценти 5 промилле ва ундан ортиқни ташкил этса миллий хавфсизликка таҳдид ҳисобланади. Миллий статистика бўйича чақалоқлар ўлим даражаси бўйича хавф мавжуд (9,3%). Халқаро мезонларга мувофиқ ҳар 100 000 аҳолига нисбатан меҳнатга лаёқатли ёшда ўлганлар сони 200 нафардан ошса иқтисодиётга таҳдид ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткич 216,7 нафарни (2020 йил) ташкил этади.

3. Меҳнат ресурсларининг ички миграцияси ўта суст бўлгани ҳолда аҳолининг ишлаб пул топиш учун чет элга ҳаддан зиёд чиқиб кетиши. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасида ички меҳнат мигрантлари сони 684,7 минг кишини ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан уларнинг сони 18,2 фоизга камайган. Ички меҳнат мигрантларининг аксарияти иш берувчилар билан оғзаки фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича вақтинчалик бир марталик ишларни бажариб, бу барча иш билан банд бўлганларнинг 5 фоизидан ортиғини ва норасмий секторда банд бўлганлар умумий сонининг қарийб 10 фоизини ташкил этади. Мазкур ишларнинг 75 фоизидан ортиғи Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Фарғона водийсига аҳолисининг Тошкент шаҳрига ички меҳнат миграцияси улушига тўғри келади. Меҳнат ресурсларининг ташқи миграцияси ички миграциясидан 5,6 мартага кўпни ташкил этади.

Аҳоли таркибида норасмий мигрантлар улуши 1,0 фоиздан ортиқни ташкил этса иқтисодиётга таҳдид солади. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткич 7,3 фоизга тенг. Ҳудудлар кесимида Андижон (9,7%), Хоразм (9,2%), Сирдарё (9,1%), Самарқанд (8,4%) ва Бухоро (8,1%) вилоятларида юқори.

4. Меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик аҳоли улушининг кўплиги сабабли меҳнат бозорига демографик босимнинг юқорилиги. Ҳозирги вақтда 16 ёшгача бўлган шахсларнинг улуши жами аҳолининг 31,0 фоизини (10,7 млн.кишини) ташкил этади. Ҳар йили ўртача 520 минг нафардан ортиқ киши меҳнатга лаёқатли ёшга киради. Мамлакат иқтисодиёти меҳнат бозорига кириб келувчи ёшларни тўлиқ иш билан таъминлаш ва иш ўринларини ташкил этиш имкониятига эга эмас.

5. Аҳолининг “қуйидан” кексайиши жараёнининг ривожланиши. Бугунги кунда иккинчи жаҳон урушидан кейинги “демографик тўлдириш” даврида туғилган аҳолининг кексалар сафига ўтиши ҳисобида аҳолининг ёш таркибида меҳнатга қобилиятли ёшдан катталар сони юқори суръатда ўсмоқда. Агар 2020 йилда ўтган йилга нисбатан меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони – 0,7, болалар ва ўсмирлар сони – 3,6, қариялар сони эса 4,0 фоизга кўпайган.

БМТ демографлари томонидан аҳолининг кексайиш даражасини баҳолаш мақсадида уч босқичли шкала ишлаб чиқилган. Унга кўра, аҳолининг ёш таркибида 65 ва ундан юқори ёшдагиларнинг улуши 4,0 фоиздан кам бўлса – демографик ёш, 4,0-7,0 фоиз бўлса – кексайиш бўсағасида, 7,0 фоиздан ошса худуд аҳолиси демографик кекса ҳисобланади¹³.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2019 йил республика аҳолиси таркибида 65 ва ундан юқори ёшдагилар улуши 4,8 фоизни ташкил этди. Демак, Ўзбекистон Республикаси халқаро мезонлар бўйича демографик кексайиш бўсағасидаги мамлакатлар қаторига киради.

Тадқиқотда иқтисодий хавфсизлик тизимидаги демографик индикаторлар динамикасининг асосий тенденциялари таҳлил қилинган. Унга кўра, республикада аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати, меҳнатга лаёқатли ҳар 100 нафар аҳолига тўғри келадиган меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик шахслар сони, туғилишнинг умумий коэффициенти, чақалоқлар ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг ўлим коэффицентлари, миграцион ҳаракат коэффицентлари қиймати чегаравий қийматдан юқори. Айниқса, меҳнат бозоридаги танглик даражаси – 2,0, норасмий мигрантлар улуши – 7,0 мартага кўп.

Тадқиқотнинг ишлаб чиқилган демография соҳасидаги иқтисодий хавфсизликни миқдорий баҳолашнинг интеграл кўрсаткичини ҳисоблаш методикаси асосида ҳисоб-китоблар амалга оширилган (2-жадвал).

2-жадвалдан кўринадикки, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизликни интеграл баҳолаш индекси 2010 йилда – 0,799, 2015 йилда – 0,811 ва 2019 йилда – 0,780 ни ташкил қилади. Мазкур кўрсаткичлар бўйича республиканинг иқтисодий хавфсизлик даражаси – паст (инқироз олди) ҳисобланади.

Демографик индикаторнинг чегаравий қийматдан оғишининг дифференциал индексига кўра, Ўзбекистон Республикасида иқтисодий хавфсизлик даражаси мўътадил (ўртача) ҳисобланади. Бундай мўътадил даража индекс таркибидаги “Демографик салоҳият” ва “Ижтимоий инфратузилма” блокларида қайд қилинган.

¹³Абдурахмонов К.Х., Зокирова Н.Қ. ва бошқалар. Демография. Дарслик. – Т.: “ИQTISODIYOT”, 2014. – 134-б.

Демография соҳасидаги иқтисодий хавфсизликни интеграл баҳолаш индекслари динамикаси¹⁴

Индикаторлар	Йиллар						Иқтисодий хавфсизлик даражаси					
	2010 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2010 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
<i>Демография соҳасидаги иқтисодий хавфсизликни интеграл баҳолаш индекси</i>												
1. Демографик салоҳият	0,828	0,813	0,818	0,809	0,804	0,800	паст (инқироз олди)	паст (инқироз олди)	паст (инқироз олди)	паст (инқироз олди)	паст (инқироз олди)	паст (инқироз олди)
2. Меҳнат бозори	0,935	0,917	0,921	0,917	0,788	0,758	паст (инқироз олди)	паст (инқироз олди)	паст (инқироз олди)	паст (инқироз олди)	паст (инқироз олди)	паст (инқироз олди)
3. Аҳоли даромадлари	0,808	0,881	0,919	0,928	0,920	0,913	паст (инқироз олди)	паст (инқироз олди)	паст (инқироз олди)	паст (инқироз олди)	паст (инқироз олди)	паст (инқироз олди)
4. Ижтимоий инфратузилма	0,626	0,633	0,611	0,597	0,630	0,650	инқироз	инқироз	инқироз	инқироз	инқироз	инқироз
Жами	0,799	0,811	0,817	0,813	0,785	0,780	паст (инқироз олди)	паст (инқироз олди)	паст (инқироз олди)	паст (инқироз олди)	паст (инқироз олди)	паст (инқироз олди)
<i>Демографик индикаторларнинг чегаравий қийматдан оғишининг интеграл индекси</i>												
1. Демографик салоҳият	0,56	0,43	0,40	0,38	0,37	0,37	мўътадил	мўътадил	мўътадил	мўътадил	мўътадил	мўътадил
2. Меҳнат бозори	0,05	0,39	0,43	0,52	1,02	0,99	барқарор	мўътадил	мўътадил	мўътадил	юқори	юқори
3. Аҳоли даромадлари	0,42	0,18	0,18	0,17	0,18	0,18	мўътадил	барқарор	барқарор	барқарор	барқарор	барқарор
4. Ижтимоий инфратузилма	0,37	0,37	0,39	0,40	0,37	0,35	мўътадил	мўътадил	мўътадил	мўътадил	мўътадил	мўътадил
Жами	0,35	0,34	0,35	0,37	0,48	0,47	мўътадил	барқарор	мўътадил	мўътадил	мўътадил	мўътадил

¹⁴ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Ҳисоб-китоблар “Меҳнат бозори” блогида иқтисодий хавфсизликка таҳдид “юқори” даражада эканлигини кўрсатади. Бу ҳолат республикада ишсизлик ва меҳнат бозоридаги танглик даражаларининг ҳамда норасмий мигрантлар улушининг чегаравий қийматдан юқорилиги ҳисобидан келиб чиққан.

Тадқиқотда демографик индикаторларнинг чегаравий қийматдан оғишининг дифференциал ва интеграл индекслари асосида Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлари гуруҳларга ажратилди (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг демографик индикаторларнинг чегаравий қийматдан оғишининг дифференциал ва интеграл индекслари бўйича гуруҳланиши¹⁵

№	Ҳудудлар	Демографик салоҳият индекси	Меҳнат бозори индекси	Аҳоли даромадлари индекси	Ижтимоий инфратузилма индекси	Интеграл индекс
	Ўзбекистон Республикаси	0,37	0,99	0,18	0,35	0,47
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	0,39	1,28	0,80	0,43	0,73
2.	Андижон вилояти	0,43	1,15	0,11	0,48	0,54
3.	Бухоро вилояти	0,35	0,95	0,14	0,36	0,45
4.	Жиззах вилояти	0,49	1,08	0,40	0,51	0,62
5.	Қашқадарё вилояти	0,45	1,48	0,60	0,45	0,75
6.	Навоий вилояти	0,35	0,72	0,39	0,32	0,45
7.	Наманган вилояти	0,40	1,23	0,38	0,42	0,61
8.	Самарқанд вилояти	0,44	1,18	0,15	0,51	0,57
9.	Сурхондарё вилояти	0,50	1,54	0,46	0,55	0,76
10.	Сирдарё вилояти	0,45	0,70	0,37	0,46	0,50
11.	Тошкент вилояти	0,31	0,27	0,06	0,42	0,27
12.	Фарғона вилояти	0,31	1,35	0,18	0,41	0,56
13.	Хоразм вилояти	0,46	0,84	0,32	0,38	0,50
14.	Тошкент шаҳри	0,27	0,23	0,30	0,23	0,26

юқори хавф зонаси
 ўртача хавф зонаси
 барқарорлик зонаси

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини хавфлилик даражаси бўйича учта зонага ажратиш мумкин:

1. Юқори хавф зонасидаги ҳудудлар – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари.

2. Ўртача хавф зонасидаги ҳудудлар – Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари.

3. Барқарорлик зонасидаги ҳудудлар – Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти.

¹⁵ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлаари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Юқори ва ўртача хавф зонасидаги ҳудудларда бундай вазиятнинг юзага келиши минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда демографик омилни ҳисобга олмаслик оқибатидир.

Диссертациянинг тўртинчи боби – **“Демографик ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш”** деб номланган демографик жараёнларни тартибга солиш борасидаги хорижий мамлакатлар тажрибалари ўрганилган ва улардан мамлакатимизда фойдаланиш имкониятлари, Ўзбекистон Республикасида иқтисодий хавфсизликка демографик таҳдидларнинг прогноз параметрлари ва Ўзбекистон Республикасининг демографик ривожланишини яхшилаш концепцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда хорижий давлатларнинг демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш борасидаги тажрибалари тадқиқ қилиниб, уларнинг қуйидаги муҳим жиҳатлари ва аҳамиятга молик томонларини республикамизга жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган:

– болали оилаларга тўлиқ ижтимоий нафақа тўлаш, аёлларнинг иш билан бандлигини рағбатлантириш, болаларни мактабгача таълим муассасалари билан тўлиқ қамраб олиш (Швеция тажрибаси);

– демография соҳасида давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида “Демографик хавфсизлик тўғрисида” қонун ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш (Россия ва Белорусь тажрибалари);

– аҳоли таркибида кексалар сонининг узлуксиз ортиб боришини инобатга олиб Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида геронтология ва гериатрия марказларини очиш ҳамда тиббиёт олий таълим муассасаларида юқоридаги марказлар учун тиббий кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш (Япония, Германия, АҚШ ва Россия тажрибалари);

– бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида аҳоли жон бошига молиялаштиришни жорий қилиш, умумий соғлиқни сақлаш харажатларида дори воситалари ва тиббиёт буюмлари сотиб олиш учун харажатлар улушини ошириш (Германия тажрибаси);

– давлат иш билан бандлик хизматлари фаолиятини такомиллаштириш, ишга жойлаштиришнинг замонавий шаклларини (аутсорсинг, аутстаффинг, краудсорсинг) жорий этиш орқали мослашувчан меҳнат бозорини ташкил этиш (АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари тажрибалари).

Тадқиқотда демографик ривожланишнинг 2030 йилгача бўлган истиқбол кўрсаткичлари диссертант томонидан ишлаб чиқилган “Аҳоли сони ва таркиби прогнозини ишлаб чиқиш бўйича методик қўлланма” асосида амалга оширилган (5-жадвал). Прогнозларга кўра, 2030 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида доимий аҳоли сони 39675,1 минг кишига етади ёки прогноз даврида 17,0 фоизга, ўртача йиллик аҳоли сони эса 16,7 фоизга ортиши кутилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, 2021 йилда аҳоли сони ўртача йилига – 1,9, 2025 йилда – 1,5, 2030 йилда – 1,4 фоиздан ўсади.

Ўзбекистон Республикасида демографик ривожланишнинг прогноз кўрсаткичлари¹⁶

Кўрсаткичлар	Прогноз даври, йиллар									
	2021	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2030
Аҳоли сони (ўртача йиллик, минг киши)	34854,7	35471,0	36070,0	36652,6	37220,4	37776,0	38323,4	38866,3	39406,3	39944,0
Эркаклар сони, минг киши	17568,2	17903,8	18230,1	18548,1	18858,9	19164,6	19468,0	19770,9	20073,6	20375,7
Аёллар сони, минг киши	17286,5	17567,2	17839,9	18104,6	18361,5	18611,4	18855,5	19095,4	19332,7	19568,3
Меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик аҳоли сони, минг киши	10784,0	11020,1	11205,6	11333,6	11429,5	11523,2	11629,7	11740,3	11837,5	11907,8
Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони, минг киши	20235,8	20428,3	20656,8	20930,1	21222,7	21499,1	21757,0	22009,8	22277,5	22569,8
Меҳнатга лаёқатли ёшдан катта аҳоли сони, минг киши	3834,9	4022,6	4207,6	4389,0	4568,2	4753,7	4936,8	5116,1	5291,4	5466,4
Туғилганлар сони, минг киши	795,2	783,5	771,9	761,5	753,0	747,5	746,4	749,5	755,0	761,6
Ўлганлар сони, минг киши	166,9	172,7	178,6	184,9	191,7	198,7	206,4	214,7	223,7	233,1
Меҳнатга лаёқатли ёшда ўлганлар сони, минг киши	45,3	45,9	46,6	47,4	48,3	49,2	50,3	51,4	52,5	53,7
Чақалоқлар ўлими, минг киши	6,6	6,5	6,4	6,3	6,3	6,2	6,2	6,2	6,3	6,3
Оналар ўлими, киши	120	119	118	117	116	115	114	113	112	111
Аҳолининг ўртача ёши, ёш	29,2	29,4	29,6	29,8	30,0	30,2	30,4	30,7	30,9	31,1
Туғилганда кутилаётган умр кўриш давомийлиги, ёш	75,5	75,7	76,0	76,2	76,4	76,5	76,7	76,8	77,0	77,3
Демографик босим (ҳар 1000 нафар меҳнатга лаёқатли аҳолига, киши)	722	736	746	751	754	757	761	766	769	770
Кўчиб келганлар сони, минг киши	159,5	160,3	160,9	161,4	161,9	162,4	163,0	163,8	165,0	166,3
Кўчиб кетганлар сони, минг киши	170,6	171,7	172,5	173,2	173,9	174,6	175,4	176,5	177,9	179,4
Миграция сальдоси, минг киши	-11,1	-11,4	-11,6	-11,8	-12,0	-12,2	-12,4	-12,7	-12,9	-13,1

¹⁶ Жадвалдаги прогноз кўрсаткичлар муаллиф томонидан ҳисобланган.

Бу эса Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўртача йиллик ўсиш суръати чегаравий қийматдан (1,3%) 2021 йилда – 0,6, 2030 йилда – 0,1 фоиз юқори бўлишини кўрсатади.

Прогнозларга кўра, 2021-2030 йиллар давомида меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган аҳоли сони 10,7 млн. кишидан 11,9 млн.кишигача, яъни 11,2 фоизга ўсиши, аҳоли таркибидаги улуши эса аксинча туғилиш даражасининг камайиши ҳисобидан 30,9 фоиздан 29,8 фоизгача камайиши кузатилади.

Прогноз даврида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони 20,2 млн.кишидан 22,5 млн.кишига ёки 11,3 фоизга ортади. Шу билан бирга, 2021-2030 йилларда меҳнат ёшига кириб келувчилар сони 32,0 фоизга ортиши кутилади. Яъни, 2021 йилда – 513,8, 2025 йилда – 644,5, 2030 йилда – 678,6 минг киши меҳнат бозорига кириб келади. Бу эса келажакда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишга талабларни ошириш заруратини кўрсатади. Шу билан бирга, прогноз йиллари меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли мутлақ сонининг ўсишига қарамай аҳоли таркибида мазкур гуруҳнинг улуши 2021 йилдаги 58,1 фоиздан 2030 йилда 56,5 фоизгача камайиши кутилади.

Прогноз маълумотлари бўйича меҳнатга лаёқатли ёшдан катта аҳоли сони 2021 йилдаги 3834,9 минг кишидан, 2025 йилда - 4568,2 минг кишига, 2030 йилда - 5466,4 минг кишига етади ёки 42,5 фоизга ўсади. Умумий аҳоли сонидан мазкур тоифанинг улуши 2021 йилдаги 11,0 фоиздан 2030 йилда 13,7 фоизгача ўсади.

Яқин келажакда демография соҳасидаги қуйидаги таҳдидлар иқтисодий хавфсизликка ўз таъсирини ўтказди:

– туғилиш ва аҳоли табиий ўсишининг юқорилиги ҳисобидан аҳолининг кенгайган такрор барпо бўлиши. Прогноз даврида туғилганлар сони 795,2 минг нафардан 761,6 минггага ёки 4,3 фоизга, бунга мос ҳолда туғилишнинг умумий коэффиценти 22,8%дан 19,1%га камаяди. БМТ тавсияларига кўра, аҳоли такрор барпо бўлишининг мақбул даражаси учун умумий ўсиш коэффицентининг 6,5% бўлиши етарли, ҳисобланади. Бу кўрсаткич чегаравий қийматдан 2021 йилда – 11,5, 2025 йилда – 8,0, 2030 йилда – 6,3 промилле ортиқни ташкил этади;

– меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ўлимининг юқорилиги. Прогнозларга кўра, 2021-2030 йилларда меҳнатга лаёқатли ёшда ўлганлар сони 45,3 минг кишидан 53,7 минг кишига ёки 18,5 фоизга ортади. Ҳар 1000 аҳолига нисбатан меҳнатга лаёқатли ёшда ўлганлар сони 2,0 нафардан ошса иқтисодиётга таҳдид ҳисобланади. Прогноз даврида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг ўлим коэффиценти мунтазам ортиб, 2021 йилда – 2,2, 2025 йилда – 2,3, 2030 йилда – 2,4 промиллени ташкил этади. Яъни, меҳнат ёшидаги аҳолининг ўлими чегаравий қийматдан йиллар бўйича мос равишда 0,2; 0,3 ва 0,4 промилле ортиқ;

– меҳнатга лаёқатли аҳолига демографик босимнинг ортиши. Прогнозларга кўра, меҳнатга лаёқатли ҳар 100 нафар аҳолига демографик босим 2021 йилда – 72,2, 2025 йилда – 75,4, 2030 йилда – 77,0 нафарни ташкил

қилади. Бу кўрсаткич чегаравий қийматдан йиллар бўйича мос равишда 2,2; 5,4 ва 7,0 фоизни ортиқни ташкил этади;

– аҳолини кексайиши жараёнининг ривожланиши. Прогнозларга кўра, Ўзбекистонда 65 ва ундан катта ёшдаги аҳоли сони 2021 йилда – 1768,7, 2025 йилда – 2320,1, 2030 йилда – 3079,8 минг кишини ташкил этади ёки 74,1 фоизга ортади. Халқаро мезонларга мувофиқ, 2021-2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси “демографик кексайиш бўсағасида” бўлса, 2028 йилдан “демографик кекса” мамлакатлар қаторидан жой эгаллайди.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикасининг демографик ривожланишини яхшилаш концепцияси ишлаб чиқилган. Концепцияда демографик ривожланишни яхшилаш мақсадлари, принциплари, вазифалари ва асосий йўналишлари, демографик ривожланишни яхшилаш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш механизмлари, демографик ривожланишни яхшилаш чора-тадбирлари дастурини амалга оширишнинг асосий босқичлари ва кутилаётган натижалари, демографик ривожланишни яхшилаш тадбирларини молиялаштириш манбалари келтирилган.

Диссертациянинг бешинчи боби – **“Демография соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишлари”** деб номланиб, унда Ўзбекистоннинг демография соҳасидаги манфаатлари тизимга солинган, демография соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг самарали тизимини ташкил этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган, Ўзбекистонда демографик имкониятлар ойнасидан самарали фойдаланиш асосида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш таклиф этилган ҳамда демография соҳасидаги иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг демография соҳасидаги манфаатлари қуйидаги йўналишларда намоён бўлади¹⁷:

– репродуктив майлни бошқаришни фаоллаштириш ва туғилиш даражасини мақбуллаштириш;

– чақалоқлар ва оналар ўлимини, шунингдек, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ўлимини камайтириш, аҳоли соғлиғининг муҳофаза қилиниши яхшилаш ва умр кўриш давомийлигини узайтириш;

– оила институтини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, унинг ҳаёти ва фаолиятини яхшилаш, оилавий муносабатларнинг миллий маънавий-ахлоқий анъаналарини сақлаб қолиш;

– профессионал таълим тизимини ривожлантириш, меҳнат бозоридаги фаол сиёсат юритиш, меҳнат сиғими юқори тармоқларда янги иш ўринларини яратиш, ишсизларнинг самарали бандлиги ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш;

– аҳолининг ички ва ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш, урбанизация даражасини ошириш.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда Ўзбекистоннинг демография соҳасидаги миллий манфаатини қуйидагича қайд этиш мумкин: туғилиш даражасини мақбуллаштириш, ўлим сонини камайтириш, оилани

¹⁷ Ўзбекистоннинг демография соҳасидаги манфаатлари муаллиф томонидан тизимга солинган.

мустаҳкамлаш, ҳозирги босқичда ва истиқболда республиканинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш стратегиясига мос келадиган ички ва ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш йўли билан аҳоли такрор барпо бўлишининг оқилона режимини шакллантиришдан иборат.

Демография соҳасида иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун, энг аввало, бошқарув тизимини шакллантириш зарур. Мазкур тизим демография соҳасида иқтисодий хавфсизликни белгилаб берувчи асосий йўналишлар ва соҳалар бўйича тадбирларни назарда тутиши лозим. Унда хавф зонасидан чиқиш йўлари, иқтисодиётнинг, алоҳида ҳудуд ва тармоқлар бўйича чегаравий қийматлари белгиланади.

Тадқиқотда демография соҳасидаги лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш бўйича бошқарув қарорларининг даражасини сифат жиҳатдан ошириш имконини берувчи ташкилий хусусиятга эга бўлган марказий чора-тадбир сифатида демографик вазиятни мониторинг қилиш республика маркази ва унинг ҳудудий бўлимларини тузиш таклиф этилган (3-расм).


Бугунги кунда Ўзбекистон муҳим демографик чегарада турибди. Ўртача демографик босимда меҳнат ресурсларининг ўсиши иқтисодий ўсиш учун қулай шароитлар – демографик дивиденд яратади. У аҳоли даромадларининг ўсишига ва камбағалликни қисқартиришга ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида мамлакат миллий даромадининг катта қисми истеъмол, ишлаб чиқариш ва инвестицияларга йўналтирилиши мумкин, бу эса, ўз навбатида, ривожланишга туртки беради.

Демографик сиёсатни амалга оширишга қаратилган ҳукуматнинг тўғри макроиқтисодий сиёсати мавжуд бўлмаса, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўсиши ишсизлик, сиёсий беқарорлик, коррупция ва жинойтчиликнинг ортиши ҳамда ижтимоий капиталнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун мамлакатда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий сиёсатни оқилона амалга оширилиши ҳисобига демографик дивидендни қўлга киритилишини таъминлайди. Бу эса ривожланиш учун етарли демографик афзалликларга эга бўлган иқтисодиётларнинг нафақат туғилиш ва ўлим даражасининг камайиши даврига кириб боришини, балки оилани режалаштириш, репродуктив саломатлик, сифатли таълим, аёллар ва вояга етмаган қизларга инвестицияни кўпроқ йўналтириш ҳамда янги иш ўринларини яратишни мақсад қилувчи сиёсат ва дастурларни самарали амалга оширишлари лозимлигини ҳам аниқлатади.

Ўзбекистон Республикасида демографик дивиденд олиш имкониятларини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Инсон капиталини, шу жумладан, профессионал ва техник таълимни инвестициялаш. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, инсон капиталига инвестициялардан олинadиган фойда техникага киритилган инвестицияларга нисбатан уч барабар ортиқлигини кўрсатган. Шу билан бирга, ходимлар таълим даражасининг 10,0 фоизга ортиши меҳнат унумдорлигини 8,6 фоизга кўпайтириши аниқланган¹⁸;

¹⁸ Добрынин А.И., Дятлов С.А., Цыренова Е.Д. Человеческий капитал в транзитивной экономике: формирование, оценка, эффективность использования.- СПб.: Наука, 1999. - С.127.



3-расм. Ўзбекистон Республикаси ва ҳудудий даражада демографик вазиятни мониторинг қилиш марказларининг фаолият кўрсатиш чизмаси¹⁹

¹⁹ Расм муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

– барқарор иқтисодий ўзгаришларни таъминлаш ва давлатнинг келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган инсон капиталини ривожлантиришга давлат инвестицияларини ошириш, харажатлар барқарорлигини таъминлаш учун алоҳида фондлар ташкил этиш;

– инсон капиталига йуналтирилаётган инвестицияларнинг бевосита ва билвосита усулларида самарали фойдаланиш;

– инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиш ва инсон капиталини ривожлантиришга хизмат килувчи механизмлар фаолиятини янада такомиллаштириш;

– таълим ҳамда соғлиқни сақлаш соҳалари ислохотларини янада чуқурлаштириш ва узвийлигини таъминлаш;

– таълим соҳаси барча босқичидаги педагог кадрларнинг тайёргарлиги ва сифатини ошириш ҳисобига таълим бериш ва ўқитиш шарт-шароитларини яхшилаш;

– ўқитиш натижаларини баҳолашнинг мавжуд стандартлари ва тизимларини такомиллаштириш;

– битирувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини давлатнинг меҳнат бозори ва иқтисодиётнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган даражада ривожлантириш;

– корхона, ташкилот ва муассасаларда маданий маиший тадбирлар ташкил этиш орқали кишиларнинг маънавий-маърифий дунёқарашини ва маданиятини ошириб бориш.

2. Меҳнат сиғими юқори бўлган тармоқлар (енгил, озиқ-овқат, кимё ва қурилиш материаллари саноати)ни ривожлантириш. Бунинг учун:

– қайта ишлаш саноати корхоналарига кредит ва солиқ имтиёзлари бериш;

– қайта ишлаш саноатини ривожлантириш бўйича хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш;

– хизмат кўрсатиш соҳада янги иш ўринларини ташкил этиш учун кафолатланган инвестициялар дастурини ишлаб чиқиш;

– ноқишлоқ хўжалиги тармоқлари корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашнинг эгилувчан механизмларидан фойдаланиш;

– ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқни кредитлаш ва ишончли электр таъминоти механизмларининг мавжудлигини таъминлаш.

3. Меҳнат бозорида мобилликни ошириш. Бунинг учун:

– ишчи кучи экспортини лицензиялаш асосида мазкур жараёнга бирламчи иқтисодий бирликлар – корхоналарни кенг жалб қилиш ҳисобидан ишчи кучи экспортини тартибга солувчи органлар ва қоидалар тизимини эркинлаштириш;

– мамлакатни дунёда ишчи кучи миграциясини тартибга солувчи ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларга (ХМТ конвенциялари, миграция бўйича халқаро ташкилотда иштирок этиш ва ҳ.к.) имкон қадар жалб қилиш;

– маркетинг тадқиқотлари ўтказиш ва меҳнат бозорида мобилликни ошириш ҳисобидан ишсизликни юмшатиш имкониятларини аниқлаган ҳолда ишсизлик режалари-прогноزلарини тузиш;

– ишчи кучи экспортини тартибга солувчи органларда консалтинг хизмати кўрсатишни ривожлантириш.

Тадқиқотда демография соҳасидаги иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш йўллари таклиф этилган. Хусусан, қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг, айниқса эркакларнинг ўлимини камайтириш, олий маълумотли мутахассислар эмиграцияси (ақллар чиқиб кетиши)ни тўхтатиш, қарияларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда демографик омилни ҳисобга олиш таклиф этилган.

ХУЛОСАЛАР

Диссертация тадқиқоти натижасида қуйидаги илмий хулоса, таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Иқтисодий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг ажралмас қисми сифатида мамлакат, иқтисодиёт тармоқлари ва минтақаларни, айниқса келажакда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегияси, асосий ва устувор йўналишларни шакллантиришда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, у мамлакат демографик ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва истиқболларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

2. Демографик жараёнлар аҳолининг турмуш даражаси, соғлиқни сақлашнинг ривожини, репродуктив майл ва ёшларнинг хулқ-атвори, ижтимоий-маданий, сиёсий, табиий-экологик, диний ва бошқа омиллар таъсири остида ривожланади. Шу билан бирга демографик жараёнлар жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларга ҳам таъсир кўрсатади. Демак, аҳолининг оптимал таркиби ва унинг ривожланишининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш – иқтисодиёт барқарор юксалишининг асоси ҳисобланади.

3. Диссертацияда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий хавфсизлик тизимидаги демографик индикаторларни тавсифловчи тўртта блокни ўз ичига олган миллий иқтисодий хавфсизлик индикаторлари тизими таклиф этилган. Унинг таркибига демографик салоҳият, меҳнат бозори, аҳоли даромадлари ва ижтимоий инфратузилма блоклари кирди. Тизим 34 та индикаторни ўзида мужассам этган бўлиб, уларнинг чегаравий қийматлари халқаро таққослашлар ва эксперт хулосалари асосида танланган бўлиб, ички ва ташқи омилларга (янги таҳдидлар ёки янги стратегик ривожланиш йўналишларининг пайдо бўлишига) қараб янгиланиши мумкин. Мавжуд тизимлардан фарқли равишда иқтисодий хавфсизлик тизимидаги демографик индикаторларнинг янги тизими тизимли ёндашувнинг дарахтсимон тузилиш, очиқлик ва ишонччилик тамойилларини ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

4. Иқтисодий хавфсизлик иқтисодиётнинг самарали ривожланишига боғлиқ бўлиб, унинг асосида меҳнат ресурслари (уларнинг сони, сифати), уларнинг мамлакат бўйлаб оқилона тақсимланиши ва қайта тақсимланиши ётади. Аҳоли ва меҳнат ресурслари сифатининг асосий тавсифлари

куйидагилардан иборат: туғилиш ва ўлим сони, никоҳ ва ажралишлар сони, соғлиқни сақлаш, маълумот даражаси, малакавий ва касбий даража. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлиги ҳолатига камбағаллик, ишсизлик ва ташқи меҳнат миграцияси катта таъсир кўрсатади. Иқтисодий хавфсизлик индикаторлари тизимига демографик босим, камбағаллик коэффициенти, ишсизлик даражаси, меҳнат бозорининг кескинлик даражаси ва норасмий миграция даражаси кўрсаткичларини киритишни, унинг миқдор ва сифат параметрларини аниқлаш таклиф этилган.

5. Демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш демографик сиёсатни шакллантириш йўли билан амалга оширилади. Ўз навбатида, демографик сиёсат давлатнинг узоқ муддатли хусусиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг аҳолининг такрор барпо бўлиши тенденцияларини барқарорлаштиришга ва ўзгартиришга, аҳоли ҳолатининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш орқали мигрантлар келиши ва кетишини оқилона ташкил этишга йўналтирилган устувор қисмини ўзида намоён этади. Бунда сиёсат узоқ муддатли хусусиятга эга бўлиши керак, чунки аҳолининг барқарор ривожланишини шакллантириш ва сақлаб туриш учун узоқ вақт талаб этилади. Ушбу муаммони доимий такомиллаштириш ва кенгайтириш зарур, чунки узоқ вақт давом этадиган чора-тадбирлар вақт ўтиши билан, одатда, руҳий нуқтаи назардан, ўзининг жозибадорлигини, рағбатлантирувчи таъсирини йўқотади. Шунинг учун мазкур сиёсат қўлланиладиган чора-тадбирлар тизимини тез-тез ўзгартириб туриши керак.

6. Тадқиқотда демографик вазият мониторингининг объектлари ва субъектлари, унинг асосий мақсад ва вазифалари белгиланди. Мониторингни ташкил этиш тамойиллари таклиф этилиб, унинг асосий функциялари очиб берилди. Демографик ҳолат мониторингини амалга ошириш алгоритми ишлаб чиқилди. У вазифани қўйиш; маълумотларни излаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш; дастлабки маълумотларни иқтисодий хавфсизлик индикаторларига айлантириш; ахборотни функционал ўзгартириш ва визуаллаштириш; йиғма индексларни синтез қилиш; таҳлил ва прогноз қилиш; иқтисодий хавфсизлик тизимининг нозик тузилмасини тадқиқ этиш босқичларини ўз ичига олади. Демографик вазиятни мониторинг қилишнинг энг муҳим элементи сифатида маълумотларни визуаллаштиришнинг картографик, қиёсий ва динамик таҳлил вариантлари таклиф этилди.

7. Демография соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадлари аҳоли сони ва таркиби ўзгаришининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини яхшилашдан иборат. Ўзбекистон Республикасида демография соҳасидаги иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг мақсадларига эришиш кўп жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари кенг доирасининг муваффақиятли ҳал этилишига, шу жумладан барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлиги ортисининг таъминланишига, даромадлар бўйича табақаланишнинг камайишига, инсон капиталининг жадал ривожланишига ва самарали ижтимоий инфратузилма (соғлиқни сақлаш, таълим, аҳолини

ижтимоий ҳимоялаш), арзонлаштирилган уй-жой бозори, мослашувчан меҳнат бозори ва ҳ.к.ларнинг барпо этилишига боғлиқ.

8. Демография соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун ҳудудлар кесимида табақаланган демографик сиёсатни юритиш лозим. Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудуди ўзининг кўплаб хусусиятлари, шу жумладан географик хусусиятлари: жойлашган жойи, табиий шароитлари, ресурслари, хўжалик нуқтаи назаридан ўзлаштирилганлиги ва иқтисодиётнинг ривожланганлиги, аҳоли таркиби ва унинг турли жойларга жойлашганлиги бўйича бетакрордир. Республика ҳудудлари табиий ва миграцион ўсиш ўртасидаги нисбатларнинг турлилигига қараб фарқланади. Шундай қилиб, демография соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ҳудудий стратегиясини шакллантиришга нисбатан ёндашувларни ҳамда демографик вазиятни яхшилаш учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар бутун мажмуини белгилашда мавжуд фарқлар ҳисобга олиниши шарт.

9. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий хавфсизликка демографик таҳдидларнинг 2021-2030 йилларга мўлжалланган прогноз параметрларига кўра яқин келажакда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига демографик босимнинг ортиши ва аҳолининг кексайиши жараёнининг ривожланиши кузатилади. Шундан келиб чиқиб тадқиқотда демография соҳасидаги миллий манфаатларни ҳимоя қилишга ва демографик таҳдидларнинг олдини олишга хизмат қилувчи Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга мўлжалланган демографик ривожланишини яхшилаш концепцияси таклиф этилган.

10. Демографик дивиденд Ўзбекистон Республикасининг бугунги иқтисодий шароитида аҳолининг реал даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартириш манбаси ҳисобланади. Тадқиқотда ишчи кучи таклифи, инсон капитали, иқтисодий ўсиш ва жамғарма йўналишларидаги иқтисодий манфаатлардан демографик дивиденд олиш имкониятларини ошириш ҳамда демографик имкониятлар ойнасидан самарали фойдаланиш мақсадида инсон капиталини инвестициялаш, меҳнат сиғими юқори бўлган тармоқларда янги иш ўринларини ташкил этиш ва ишчи кучининг ташкиллаштирилган миграциясини ривожлантириш таклиф этилган.

11. Тадқиқотда демография соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича қуйидаги илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган:

– демография соҳасидаги миллий манфаатларни ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг оила ва уй-жой ҳуқуқи, соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий таъминот, меҳнат муносабатлари, миграция сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш;

– ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг тармоқ ва ҳудудий дастурларига демографик ривожланишни яхшилашга қаратилган вазифалар ва чора-тадбирларни киритиш;

– демографик ривожланишнинг асосий вазифаларини амалга ошириш учун моддий ресурсларни йўналтириш, ушбу мақсадлар учун қўшимча маблағларни жалб қилишда демографик жараёнлар ва кўрсаткичларни ҳисобга

олиш;

– демографик жараёнларни доимий мониторинг қилиш, демографик жараёнларни тезкор кузатиш имконини берадиган замонавий электрон тизимни яратиш, улар асосида демографик сиёсатнинг аниқ чора-тадбирларига тузатишлар киритиш ва ҳ.к.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
№ DSc.30.08.2019.Ss.89.01 ПРИ ВЫСШЕЙ ШКОЛЕ СТРАТЕГИЧЕСКОГО
АНАЛИЗА И ПРОГНОЗИРОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ВЫСШАЯ ШКОЛА СТРАТЕГИЧЕСКОГО АНАЛИЗА И
ПРОГНОЗИРОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

АБДУРАМАНОВ ХАМИД ХУДАЙБЕРГЕНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАУЧНО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИХ ОСНОВ
РЕГУЛИРОВАНИЯ ДЕМОГРАФИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В
ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

23.00.05 – Системный анализ и прогнозирование проблем национальной безопасности

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (DSc)**

Ташкент – 2021

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована под номером B2020.3.DSc/Iqt266 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация выполнена в Высшей школе стратегического анализа и прогнозирования Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трёх языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: **Зоҳидов Азаматжон Аъзамович**
доктор экономических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Байхонов Баходиржон Турсунбаевич**
доктор экономических наук

Тожиева Зулхумор Назаровна
доктор географических наук, профессор

Каримова Дилдора Мирсабитовна
доктор экономических наук

Ведущая организация: **Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 года в ___ часов на заседании Научного совета № DSc.30.08.2019.Ss.89.01 при Высшей школе стратегического анализа и прогнозирования Республики Узбекистан.

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Высшей школы стратегического анализа и прогнозирования Республики Узбекистан (зарегистрировано под номером ___).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года
(протокол реестра ___ от «___» _____ 2021 года).

И.И. Бобокулов

Председатель Разового научного совета на основе Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор юридических наук, профессор

И.Н. Исламов

Учёный секретарь Разового научного совета на основе Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор исторических наук, доцент

К.А. Джураев

Председатель Научного семинара при Разовом научном совете на основе Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор политических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мире важное значение обретает стимулирование национальной экономики на основе обеспечения экономической безопасности, развитие взаимовыгодных экономических отношений, эффективное использование ресурсов, совершенствование и обновление инфраструктуры, повышение экономической активности населения, создание стабильной социальной среды. Такие невероятные демографические изменения, как рост численности и мобильности населения мира, превышение доли пожилых людей не могут не представлять угрозу для экономической безопасности. В частности, по данным Организации Объединённых наций, в 2019 году население мира составляло 7,7 млрд. человек, до 2050 года ожидается продолжение его устойчивого роста и достижение 9,7 млрд. человек, а к концу столетия - примерно 11,0 млрд. человек²⁰. В связи с этим, государствами широко реализуются целенаправленные меры по устранению угроз экономической безопасности в сфере демографии.

В мире продолжается проведение целевых научных исследований по поиску научного решения ряда проблем, возникающих вследствие экономических угроз в демографических процессах. В частности, особое внимание уделяется исследованиям, направленным на развитие человеческого капитала, формирование оптимальной возрастной и половой структуры населения, планирование семьи, снижение смертности населения и продление продолжительности жизни, укрепление и развитие института семьи, сокращение объёмов нерациональной миграции и обеспечение гибкости рынка труда. Демографическая ситуация в мире также обостряется из-за пандемии коронавируса. В частности, во всём мире наблюдаются тревожные изменения в демографической схеме случаев COVID-19 по отношению к лицам в возрасте до 40 лет. Согласно проведенному с февраля по июль 2020 года анализу 6 миллионов случаев, число зараженных людей в возрасте 15-24 лет увеличилось с 4-5 процентов до 15 процентов, в результате чего снизился уровень возвращения к работе²¹. Кроме того, экономический рост сократился в Южной Азии на 2,7%, на Ближнем Востоке и в Северной Африке на 4,2%, в Европе и Центральной Азии на 4,7% и в Латинской Америке на 7,2%. Ожидается, что этот спад повернёт вспять несколько лет прогресса в достижении целей развития и приведут десятки миллионов людей к нищете²².

В нашей стране особое внимание уделяется вопросам достижения внутренней экономической стабильности и укрепления позиций на международном уровне, государственного контроля за движением и использованием национальных ресурсов, обеспечения продовольственной безопасности, достаточного уровня ресурсной базы и диверсификации их источников, обеспечения стабильной занятости населения и повышения

²⁰ Население мира растёт, стареет и переезжает в города // <https://www.un.org>.

²¹ [https://www.thelancet.com/journals/lanres/article/PIIS2213-2600\(20\)30461-6/fulltext](https://www.thelancet.com/journals/lanres/article/PIIS2213-2600(20)30461-6/fulltext)

²² <https://www.worldbank.org/en/news/feature/2020/06/08/the-global-economic-outlook-during-the-covid-19-pandemic-a-changed-world>

возможностей использования социального обеспечения, развития на высоком уровне человеческого капитала. В Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год поддержки молодёжи и укрепления здоровья населения» определены конкретные меры по «укреплению макроэкономической стабильности, последовательному повышению занятости и реальных доходов населения, обеспечению безопасности»²³. В связи с этим важное значение имеет расширение научных исследований по системному анализу и прогнозированию демографических процессов, определению пороговых значений зон риска в области демографии, организации эффективной системы обеспечения экономической безопасности в области демографии, разработке стратегической концепции улучшения демографического развития.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, изложенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2018 года, № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2017 года, № УП-5655 «Об утверждении Концепции проведения в 2022 году переписи населения в Республике Узбекистан» от 5 февраля 2019 года, № УП-6012 «Об утверждении Национальной стратегии Республики Узбекистан по правам человека» от 22 июня 2020 года, № УП-6155 «О государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год поддержки молодёжи и укрепления здоровья населения»» от 3 февраля 2021 года, Постановлении Президента № ПП-4702 «О внедрении системы рейтинговой оценки социально-экономического развития регионов» от 1 мая 2020 года, № УП-5975 «Об утверждении Национальной стратегии Республики Узбекистан по правам человека» от 22 июня 2020 года и Постановлении Кабинета Министров № 841 «О мерах по реализации Национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года» от 20 октября 2018 года, а также в других нормативных документах данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации²⁴.
Научные исследования по обеспечению экономической безопасности

²³ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-6155 «О государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год поддержки молодёжи и укрепления здоровья населения» от 3 февраля 2021 года// <https://lex.uz/pdfs/5260791>

²⁴ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации составлен на основе сайтов: <https://www.economicsecurityproject.org>; <https://www.aspeninstitute.org>; <http://www.spieb.com>; <https://uiiec.ru>; <https://www.iss.europa.eu>; <https://www.iiss.org>; <https://www.aies.at>; <http://www.iips.org>; <https://www.incd.fr>;

государства проводятся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности, в International Labour Organization (США), Проект экономической безопасности (Economic Security Project) (США), The Aspen Institute (США), European Union Institute for Security studies (Бельгия), The International Institute for Strategic Studies (Великобритания), Austrian institute for European and security policy (Австрия), Nakasone Peace Institute (Япония), научные исследования, направленные на оценку демографической ситуации, проводятся в Institut national d'études démographiques (Франция), Max Planck Institute for Demographic Research (Германия), The Viennese institute of a demography (Австрия), University of Nebraska-Lincoln (США), Federal Institute for Population Research (Германия), Australian National University (Австралия), Московском государственном университете (Россия), а также Национальном университете Узбекистана, Высшей школе стратегического анализа и прогнозирования Республики Узбекистан (Узбекистан).

Ряд научных результатов по совершенствованию научно-методологических основ обеспечения экономической безопасности и регулирования демографических процессов получены в мире, в том числе следующие научные результаты: разработана методология управления в системе обеспечения экономической безопасности (Economic Security Project), предложены методы и индикаторы оценки экономической безопасности (Austrian institute for European and security policy), усовершенствован механизм государственного регулирования экономической деятельности (The International Institute for Strategic Studies), разработаны программы планирования семьи (Max Planck Institute for Demographic Research); проведён многофакторный анализ влияния на экономику демографических проблем, связанных со снижением уровня рождаемости и старением населения (Internatsional institute for Population sciences); разработана программа действий по улучшению демографической ситуации (Московский государственный университет); обоснована взаимосвязь между демографическими процессами и экономическим развитием (The Viennese institute of a Demography).

В мире проводятся исследования по совершенствованию научно-методологических основ регулирования демографических процессов в разрезе экономической безопасности, в том числе по следующим приоритетным направлениям: совершенствование механизма обеспечения экономической безопасности; защита национальных демографических интересов и обеспечение демографической безопасности; институциональная защита национальных интересов в области демографии; разработка методов и индикаторов экономической безопасности; совершенствование методов оценки демографических угроз экономической безопасности.

Степень изученности проблемы. Вопросы безопасности личности и её социализации освещены в трудах древних философов Аристотеля, Демокрита, Еврипида, Платона и Эпикура. Данным направлением исследований занимались

известные зарубежные учёные, как Т.Р. Мальтус, Дж. Кейнс, А.Маршалл, А.Маслоу, Д.Рикардо, П.Самуэльсон, А.Смит, М.Фридман, С. Чейз и другие²⁵.

Ряд учёных стран СНГ, в частности, В.К. Сенчагов, Е.А.Олейников, Л.И.Абалкин, В.И.Авдийский, В.А.Богомолов, В.В.Криворотов, Т.Р.Орехова, Л.Н.Родионова, В.М. Яковлев²⁶ осуществляли целенаправленные научные исследования по проблемам обеспечения экономической безопасности.

В Узбекистане общие теоретические основы экономической безопасности и её отдельных сфер исследованы такими учёными, как Х.П.Абулкосимов, Т.С.Расулов, А.Т.Исаходжаев, А.Ф.Расулев, Д.В.Тростянский, И.И.Бобокулов, А.А.Зохидов, А.Е.Ишмухаммедов, Д.А.Ортикова, Ш.Р.Кобилов, О.Сатторкулов, Н.Т.Толипова²⁷ и другими учёными.

Вопросы демографического развития в Узбекистане приведены в работах М.К.Корахонова, И.Р.Муллажонова, Р.А.Убайдуллаевой, О.Б.Ата-Мирзаева, К.Х.Абдурахмонова, Н.К.Зокировой, Б.Х.Умурзакова, А.А.Каюмова, А.С.Солиева, Л.П.Максаковой, М.Р.Буриевой, З.Н.Тожиевой, Т.М.Ахмедова, Д.М.Каримовой, Г.К.Абдурахмоновой, Ф.К.Комиловой, Д.В.Расуловой, Н.У.Арабова, Д.А.Насимова, Х.Мамадалиевой²⁸.

²⁵ Мальтус Т.Р. Опыт о законе народонаселения (Антология экономической классики) пер. с англ. – Москва, 1992; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Пер. сангл. проф. Н.Н.Любимова, под. ред. д.э.н., проф. Л.П.Куракова. – М.: МИЭМП, 2010; Маршалл А. Принципы экономической науки / А.Маршалл: В 3 т. – М.: Прогресс-Т.3. 1984. -119 с.; Regional labor markets. Analytical contributions and cross-national comparisons. Ed. by M.Fischer and P.Nijkamp. - Elsevier Science Publishing Co, 1987. - 500 p.; Эренберг Р.Д., Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная политика / Пер. с англ. – М., 1996, 34-б.; Слезингер Г.Э. Труд в условиях рыночной экономики: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 1996. - 336 с.; Пигу А. Экономическая теория благосостояния / Пигу А.: В 2 т. – М.: Прогресс - Т.2 - 1985. – 240 с

²⁶ Сенчагов В.К. Экономическая безопасность России. Общий курс. Учебник. – М.: Дело, 2005. – 896 с.; Олейников Е.А. Экономическая и национальная безопасность. Учебник. – М.: Экзамен, 2005. – 768 с.; Абалкин Л.И. Вызовы нового века. М, 2001, с.6, с.171. Авдийский, В.И. Теневая экономика и экономическая безопасность государства: Учебное пособие / В.И. Авдийский, В.А. Дадалко... — М.: Альфа-М, ИНФРА-М, 2018. — 496 с.; Богомолов, В.А. Экономическая безопасность / В.А. Богомолов. - М.: Юнити-Дана, 2009. - 295 с; Криворотов, В.В. Экономическая безопасность государства и регионов: Учебное пособие / В.В. Криворотов, А.В. Калина, Н.Д. Эриашвили. - М.: Юнити, 2018. - 56 с; Орехова, Т.Р. Экономическая безопасность современной России в условиях кризиса: Монография / Т.Р. Орехова, В.И. Орехов, О.В. Карагодина. - М.: Инфра-М, 2017. - 319 с; Родионова, Л.Н. Экономическая безопасность: концепция, стандарты / Л.Н. Родионова. - М.: Русайнс, 2019. - 32 с; Яковлев, В.М. Риски и экономическая безопасность муниципальных образований / В.М. Яковлев. - М.: Русайнс, 2017. - 736 с.

